

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 811.512.133

ЭЛМУРАДОВА Лайло Нормуратовна

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ДАРАЖА ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК
МАЙДОНИ**

(белги даражаси микромайдони)

10.02.01 – Ўзбек тили

филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун

тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Тадқиқот Қарши давлат университетининг Ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар –

филология фанлари доктори, профессор
САЙФУЛЛАЕВА Раъно Рауфовна

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори, профессор
ИСКАНДАРОВА Шарифа Мадалиевна

филология фанлари номзоди
ҲАКИМОВА Мухайё Каримовна

Етакчи ташкилот –

Самарқанд давлат университети

14 Диссертация ҳимояси 2011 йил декабрь ойининг 16 кунини соат 14 да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК.015.04.02 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2011 йил “ ____ ” ноябр да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, филология
фанлари номзоди**

 **С.ХУДАЙБЕРГАНОВА**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Тил миллатнинг зарурий шартидир. 1995 йил 21 декабрда Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини¹ қабул қилди. Янги қонунда Ўзбекистонда юзага келган ижтимоий воқеалар, ўзбек тилини ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотларга ҳам кенг ўрин берилиши инобатга олинди. Ўзбек тили давлат тили сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида расман эътироф этилди. "Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Бу Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа эди"².

Муштакиллик барча соҳалар қаторида тилшуносликда ҳам туб ўзгаришларга замин яратди. Бундай ўзгаришлар самараси, аввало, илмий тадқиқотларнинг кенг йўлга қўйилганлигида, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилишида яққол намоён бўлмоқда. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш, соҳанинг ўрганилмаган муаммоларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони, хусусан, белги даражаси микромайдонини илмий-назарий асосда ўрганиш ва илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этиш бугунги кунда ўзбек тилшунослигида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зотан, тил мураккаб ижтимоий, биологик-физиологик ҳодиса сифатида коммуникатив, эмоционал-экспрессив, аккумулятив функцияларни бажаради. Тилнинг эмоционал-экспрессив функциясининг намоён бўлишида даража тушунчасининг таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилшунослигида даражаланиш тушунчасининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган³. Ҳозирга қадар амалга оширилган тадқиқотларда даража тушунчасига, асосан, муайян туркумнинг - сифат туркумининг категориал формаси сифатида қдралган. Натижада даража тушунчасининг морфологик ифодасини талкин қилишда бошқа грамматик категория элементлари қориштириб юборилган ўринлар кузатилади. Ўзбек тилида даража тушунчаси тил сатҳларида турли воситалар орқали ифодаланади ва яхлит функционал-семантик майдонни ташкил этади.

Грамматик маънони ифодаловчи кўплаб воситалар грамматик категория сифатида қаралганидан жуда кўпгина эркин синтактик бирикмалар ҳам грамматик категорияга нисбат берилади ва натижада даражанинг морфологик ифодаси билан бошқа ҳодисалар қориштирилади. Аслида ўзбек

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида" (янги таҳрирда)ги Қонуни // Халқ сўзи. - Тошкент. 1995.-29 декабрь.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б 7 Қаримов И. Юксак маънавият- енгилмас куч. - Тошкент Маънавият, 2009. -Б. 85.

Маъруфов З.М. Ўзбек тилида сифатларнинг қиёсий даражалари // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти асарлари. - Тошкент, 1949; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фанларид-ри ... дисс. автореф. - Тошкент, 1997.

тилида мазкур маънолар турли сатхларда турлича воситалар билан ифодаланади ва улар битта функционал-семантик майдонни ташкил этади. Кесимлик, бўлишли-бўлишсизлик, ҳаракат тарзи каби гетероген шакллар, хусусан, даража тушунчасини ҳосил қилувчи шакллар мазкур нуктаи назардан махсус тадқиқ этилмаган. Тилшуносликда таъкидланган категориялар доирасидаги мавжуд муаммолар уни функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш асосидагина бартараф этилади.

Ўзбек тилшунослигида даража тушунчасининг намоён бўлиши, уни ифода этувчи воситалар, даражаланиш ходисасининг сатхлараро хусусияти, даража тушунчасининг лексема семантикасидаги функционал маънолар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлиши монографик планда махсус тадқиқ этилмаган. Турли воситалар орқали хилма-хил кўринишларда намоён бўладиган даражаланиш ходисаси яхлит бир функционал-семантик майдон сифатида ўрганилмаган. Даража тушунчасини категориал бирликдан кенгрок доирада караш, функционал-семантик майдон сифатида таҳлил этиш ва мазкур майдон узвларини белгилаш, воситаларини аниклаш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лингвистик майдон назарияси Г.Ипсен⁵, И.Триер⁶, В.Порциг⁷, Л.Вайсгербер⁸, А.В.Бондарко⁹, А.М.Кузнецов¹⁰ каби жаҳон тилшунослари номи билан боғлиқ. Майдонни тилшуносликда умумий семемага эга, бир архисема билан бирлашувчи лексик бирликлар мажмуи сифатида тушуниш XIX асрдан, хусусан М.М.Покровский тадқиқотларидан бошланган". Дастлаб майдон назарияси тилнинг лексик сатҳида ўрганилиб, тезауруслар яратиш, идеографик лугатчилик амалиёти учун хизмат қилган¹¹. Ўзбек тилшунослигида ҳам лексик ёки синтактик бирликлар мажмуасига майдон сифатида караш мавжуд. Т.Мирзакулов, Ш.Искандарова, М.Абдувалиев, Ҳ.Ҳожиёва, Ф.Сафаров тадқиқотларида лингвистик ходисалар тизим сифатида майдон асосида таҳдил қилинган¹³.

⁵ Ipsen G. Der alte Orient und die Indogermanen // Festschrift für Wortschreiber. - Heidelberg. 1924. - 102 s.

⁶ Trier J. Einleitung // Der deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes. - Heidelberg, 1931. - 187 s. ⁷ Porsig W. Das Wunder der Sprache. - Bern, 1957. - 67 s.

⁸ Weisgerber L. Grundzüge der Inhaltsbezogenen Grammatik. - Düsseldorf, 1962. - 77 s. ⁹ Бондарко А. В. Грамматическая категория и контекст. - Л.: Наука, 1971. - 116 с; Шу муаллиф. Теория морфологических категорий. - Л.: Наука, 1976. - 256 с; Шу муаллиф. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. - Л.: Наука, 1983. - 208 с; Шу муаллиф. Функциональная грамматика.

- Л.: Наука, 1984. - 136 с.

¹⁰ Кузнецов А.М. Поле / Лингвистический энциклопедический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1990. - С. 380-381.

¹¹ Покровский М. М. Избранные работы по языкознанию. - М.: Наука, 1954. - 382 с.

¹² Апресян Ю.Д. Дистрибутивный анализ значений и структурные семантические поля // Лексикографический сборник. Вып. V. - М, 1962. - С. 52-72; Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография.

- М.: Наука, 1976; Уфимцева А. А. Теория «семантического поля» и возможности их применения при изучении словарного состава языка // Вопросы теории языка в современной зарубежной лингвистике. - М.: Наука, 1961. - С. 30-64.

¹³ Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини измуний майдон сифатида ўрганиш (шах микромайдони): Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. -Т., 1999; Абдувалиев М. Тусиксизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1988. - № 4. - Б. 62-66; Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф.

- Тошкент, 1994; Ҳожиёва Ҳ. Ўзбек тилида хурмат майдони ва унинг лисоний-нуткий хусусияти: Филол. фанлари номзоди ... дисс. -Самарканд, 2001; Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-микдор микромайдони ва унинг лисоний-нуткий хусусияти: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Самарканд, 2004.

Узбек тилидаги даража маъносини ифодаловчи воситалар А.Н.Кононов, Т.И.Грунина, А.Ғуломов, С.Н.Иванов, М.Аскарова, Ғ.Абдурахмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов ва уларнинг издошлари томонидан атрофлича тадқиқ этилган¹⁴. Сифат ва унинг даража категориясини ўрганишда З.Маъруфов, А.Мадрахимов, И.Ҳамдамова, М.Содиқова, С.Ғиёсов, М.Кўлдошев, Ким Бьён Иль тадқиқотлари эътиборга молик¹⁵. Сифат ва унинг даража категорияси туркий тиллар доирасида ҳам ўрганилган¹⁶.

Узбек тилида даража маъносининг ифодаланиши даража билдирувчи лексемалар, даража морфологик категорияси, даража-микдор холи, даража-микдор эргаш гапли кўшма гап сифатида турли томондан алоҳида-алоҳида ўрганилган. Бу масала, айниқса, А.Ғуломов, М.Аскарова, Ғ.Абдурахмонов ва уларнинг издошлари томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Даража тушунчаси, унинг хусусиятлари О.Бозоров, Ш.Шаҳобиддинова тадқиқотларида, қисман, Ф.Нажмиддинов диссертациясида ёритилган. Даража тушунчаси ҳақидаги мулоҳазалар айрим дарелик, кўлланмаларда ҳам келтирилган¹⁸.

Қайд этилган тадқиқотларда даража тушунчаси, асосан, грамматик категория сифатида нисбатан тор доирада таҳлил килинган. Даража тушунчасининг грамматик категория доирасига сиғмаслиги, унинг сатхлараро намоён бўлиши ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирилган бўлса-

¹⁴ Мадрахимов А. Узбек тилида сифат ва янги ясалган сифатлар масаласига дойр // Известия АН УзССР. Серия общественных наук. - Ташкент, 1957. - № 1. - С. 41-47; Маъруфов З. М. Узбек тилида сифатларнинг киёсий даражалари // Узбек тили грамматикасидан материаллар. Узбекистан Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти асарлари. - Тошкент, 1949. - К. 1. - Б. 131-143.

¹⁵ Маъруфов З. М. Узбек тилида сифатларнинг киёсий даражалари / Узбек тили грамматикасидан материаллар. Узбекистан Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти асарлари. - Ташкент, 1949; Мадрахимов А. Прилагательные новообразования в современном узбекском языке Дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1955; Содиқова М. Узбек тилида ранг-туе билдирувчи сифатлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 1963; Ҳамдамова И. Узбек тилида сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг узбек тили изохли лугатида берилиши: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 1964; Гиясов С. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: Дисс... канд. филол. наук. - Ташкент, 1983; Исхаков Ф. Г. Имя прилагательное - М.: Ист срав. грам. тюрк яз., 1987. П. - С 143-145; Кулдошев М. Ҳозирги узбек тилида сифат ясовчи иаксулдор аффикслар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 1994; Ким Бьён Иль. Семантико-грамматические и стилистические особенности однокоренных прилагательных с различной аффиксальной частью в современном узбекском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент. 2000; Мамаражабова З. Узбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари: Филол. фанлари номзоди... дисс -Тошкент, 2004.

Хаметова А. Превосходная и преувеличительная степени имён прилагательных в тюркских языках (на материалах современных узбекского, уйгурского, казахского и туркменского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент: Фан, 1969. - 30 б.

Базаров О. Узбек тилида даражаланиш: Филол. фанлари д-ри .. дисс. автореф. -Тошкент, 1997; Нажмиддинов Ф. Адъектив лексемаларда семалар таснифи ва семалараро иуносабат турлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Навоий, 2000.

¹⁸ Узбек тили грамматикаси. Т. I. - Тошкент: Фан, 1975. - Б. 298-300; Расулов Р., Нарзиева М. Лексикологияни ўрганиш / Олий ўқув юртлари учун, - Тошкент: Укитувчи, 1992. - Б. 23; Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А. ва б. Ҳозирги узбек адабий тили. [кием / Педагогика институтларининг филология факультети студентлари учун дарелик. -Тошкент: Укитувчи, 1980. - Б.256; Назаров К., Убаева Ф., Наримонова М, Сайфуллаева Р. Кўшма гап компонентларини системали ўрганиш масаласига дойр / Ҳозирги узбек адабий тилининг тараккиёт йўналишлари. Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: ТошДУ, 1990. - Б. 16-26; Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш Ҳозирги узбек адабий тили Олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарелик, - Тошкент Узбекистон, 1992. - Б. 283; Ш. Рахматуллаев. Ҳозирги адабий узбек тили. -Тошкент: Mumtozso'z, 2010. 1-қисм.

да¹⁹, даража тушунчаси функционал-семантик майдон асосида махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режаларн билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Қарши давлат[^] университетининг Ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган "Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари" мавзусидаги тадқиқот таркибига киради.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги даража тушунчасини функционал-семантик майдон сифатида таҳлил қилиш, даража майдонини ифодаловчи воситаларни ажратиш, мазкур воситаларнинг даража функционал-семантик майдонидаги ўрнини белгилаш, шу асосда даража функционал-семантик майдони таркибини аниқлаш, даража тушунчасини илмий асосда ёритишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Ушбу мақсаддан келиб чиққдн ҳрлда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- даража тушунчасини майдон сифатида ўрганиш, даража тушунчасининг лисоний воситалари - фонетик, лексик, морфологик, синтактик усуллар ва нолисоний воситалари ҳамда улар ўртасидаги мутаносибликни, яхлит тизимни илмий асослаш;

- даража функционал-семантик майдони таркибини аниқлаш;

- даража функционал-семантик майдонини ифода этувчи воситалар таркибининг турли эканлиги, ўзбек тилида морфологик воситанинг даража функционал-семантик майдони ядросини, даража ифодаловчи лексемалар даража функционал-семантик майдони марказини, бошқа - синтактик, услубий, нолисоний воситалар даража функционал-семантик майдони чегарасини ташкил этишини асослаш:

- даража функционал-семантик майдони воситаларининг лисоний, функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш; даража ифодасидаги ўрнини кўрсатиш;

- даража функционал-семантик майдони воситаларининг семантик таркибини аниқлаш;

- даража функционал-семантик майдони тушунчасининг нуткий вокеланиши, даража тушунчасини ифодаловчи воситаларнинг ўзаро узвий муносабатини ёритиш, даража тушунчасини вокелантирувчи бошқа омилларни аниқлаш;

- даража тушунчасининг лексемалар оркали реаллашувида морфологик, синтактик, услубий воситаларнинг ўрни, морфологик шакл ифодаланишида лексик, синтактик ва услубий омилларнинг аҳамиятини илмий асосда баҳолаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Даража тушунчаси акс этган нуткий бирликлар, даража функционал-семантик майдони ташкил этувчилари ўртасидаги муносабат тадқиқот объектини ташкил этади.

Узбек тилида даража тушунчасининг майдон сифатидаги мохияти, ифода воситалари, даража функционал-семантик майдони таркибий қисмлари тадқиқот предмети белгилайди.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотнинг методологик асосини И.Каримов асарларида акс этган миллий ғоя, миллий тилни такомиллаштиришга йўналтирилган қарашлар, диалектиканинг билиш назарияси, тилшуносликнинг нутқ ва лисон, тил ва нутқ дихотомиясига асосланган таълимоти, Г.Ипсен²⁰, И.Триер²¹, В.Порциг²², Л.Вайсгербер²³, М.М.Покровский, А.В.Бондарко, Ҳ.Неъматов, Э.Бегматов, Т.Мирзакулов, А.Собиров, Ш.Искандарова тадқиқотларидаги майдон ва даража тушунчасига оид илмий фикрлар ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида статистик, компонент таҳлил, анализ, синтез методлари ва қиёслаш усулидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Лисоний ҳодисаларни лексик парадигмалар, морфологик категориялардан фарқи равишда кенг қўламли яхлитлик - функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш узбек тилшунослигида янги йўналишлардан бири ҳисобланади. Муайян ҳодисанинг реаллашувида бошқа лингвистик воқеликлар ўзаро алоқадорликда, мутаносибликда намоён бўлади. Шу боис мазкур ҳодисаларни бир бутунликда, яхлит тизим сифатида қараш зарурати юзага келади. Даража тушунчасини функционал-семантик майдон сифатида таҳлил этиш ҳодисанинг моҳиятини кенгрок ёритиш имконини беради.

2. Майдон лисоний-нуткий воқелик сифатида ўзида тилнинг диалектик қарама-қарши муносабатини акс эттиради. Аслида майдон воситалари орасидаги муносабат лисоний бўлиб, улар ўртасидаги алоқадорлик қўп ҳолларда эътибордан четда қолади. Шу ўринда майдон тушунчасини ифода этувчи воситаларнинг ўзаро мутаносиб, бир-бирини тўлдирувчи муносабатини назарда тутиш лозим бўлади. Негаки, тилнинг катъий қонуниятига қўра нутқ жараёнида лингвистик бирликлар нисбатан кенг семантик доирани қамраб олади.

3. Функционал-семантик майдон термини майдон тушунчасининг лисоний ҳодиса (тил ҳодисаси) эканлигига ишора қилиши билан бирга, унинг моҳиятини ҳам ўзида тўлиқрок акс эттиради. Чунки майдон тушунчасида бирликларнинг бир хил семантик вазифа ифодалашига эътибор қаратилади. Функционал-семантик майдон термини ҳодисанинг лингвистик (социолингвистик эмас) аспектда таҳлил этилаётганлигини ҳам таъкидлайди.

4. Узбек тилида даража тушунчасига бўлган муносабатда яқдиллик мавжуд эмас. Бу ҳолат даража тушунчасини ифодаловчи воситаларнинг хилма-хиллиги, қамрови кенглиги, аниқроғи, грамматик категория ўлчовларига

²⁰ Ipse G. Der alte Orient und die Indogermanen // Festschrift für Wordchreiberg. - Heidelberg. 1924. - 102 s.

²¹ Trier J. Der deutsche Wortsatz im Symbolik der Verstandes (Die Geschichte eines, einen sprachlichen Feldes) - Heidelberg, 1931. - 187 s.

²² Porsig W. Das Wunder der Sprache. - Bern. 1957. - 67 s.

²³ Weisgerber L. Grundsätze der inhaltsbezogenen Grammatik. - Düsseldorf, 1962. - 77 s.

мувофиқ эмаслиги билан белгиланади. Бу эса даража ҳодисасини грамматик категориядан кенгрок тушунча - функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш учун етарлича асос бўлади.

5. Белги даражаси микромайдонини ифодаловчи воситалар функционал-семантик майдон таркибини ташкил килувчи белги даражаси микромайдони ядро, марказ ва чекка кием воситаларига бўлинади. Даража функционал-семантик майдон таркибини белгилашда куйидаги омилларга эътибор кзратиш лозим:

- даража функционал-семантик майдони таркибини ташкил этувчи воситаларнинг қўлланиш даражаси;
- даража функционал-семантик майдони воситасининг киёсга муносабати ва уни мустақил ҳолда ифодалай олиш даражаси;
- даража функционал-семантик майдонидаги қайси узвнинг белги микромайдонига кўпрок хосланганлиги.

6. *-роқ* шакли даража функционал-семантик майдони тушунчасининг асосий воситаси бўлиб, майдон ядросини ташкил қилади. Чунки бу шакл асосан белги даражасини ифодалаш учун хосланган ва унда даражанинг асосини ташкил этувчи киёс яққол сезилиб туради. Шунингдек, *-рок* шакли мазкур функцияни бажариш учун турли шакл ва воситалар билан биргаликда изчил ишлатилади. Ушбу шаклнинг қўлланиши даражанинг турлари (оз. ўртача, кўп) билан ҳам чекланмаган.

7. *Х,аммадан/барчадан* сўзлари даража тушунчасини ифодаловчи воситалар сирасида муҳим ўрин тутди. Бу эса унинг даража ифодаловчи асосий бирлик сифатида қаралишига асос бўлади.

8. Айрим даража функционал-семантик майдони воситалари белгини маълум бир сифатларда кўрсатиш билан чекланган, шу билан биргаликда, даражани, асосан, белги микромайдонида ифодалай олиши уларни майдон марказий бирликлари сифатида баҳолаш имконини беради.

9. Майдоннинг чекка қисмини куйидаги воситалар ташкил қилади: сифатнинг луғавий маъноси, отнинг луғавий маъноси, сифатдош, ибора, такрорий сўз, нолисоний восита (имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати). Бу воситалар нафакат белги даражаси микромайдони, балки бошқа даража микромайдонига хос тушунчаларни ифодалаш хусусиятига ҳам эга. Бу эса уларнинг майдон чеккасида ўрин олишини таъминлаган.

10. Белги даражаси микромайдонининг чекка қисмида белгининг ортик-камлиги лисоний ва нолисоний воситалар ёрдамида ифодаланар экан, бунда "киёс" семаси ноль даражага тушади, асосан ортиклик ёки камликка эътибор устуворлашади.

11. *-роқ* шаклли қолипнинг нуткий вокеланишида умумий маъно фаркланиши учун грамматик омил хал килувчи ахамиятга эга бўлса, микромайдон ядровий воситаси сифатида қолипнинг то нуткий вокеланишгача бўлган ҳолатларида луғавий-маъновий омил, нуткий маъноларнинг фаркланиши учун турли лисоний ва нолисоний омиллар муҳим ўрин тутди.

12. *Энг* шаклли даража воситасининг нуткий вокеланишида грамматик (морфологик) ва луғавий воситалар муҳим фарқловчи омил бўлиб хизмат қилади. Хусусий маъноларни фарқлашда морфологик, синтактик, услубий ва албатта, нолисоний омилларнинг роли устувордир.

13. [ҳаммадан/барчадан + шахени тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахени тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси] морфологик қолипни синтактик қолипдан мантикий-фонетик ва ўзига ёндош оралиқ қолипдан морфологик қолип фарқдайди ва нутққа олиб чиқади. Турли эғалик шаклидаги [ҳаммасидан/барчасидан + умуман даражаланувчи сифат = сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси] қолипи модификацион кўринишлари семантик омил (шахе ва сон маънолари асосида) фаркланади ва қолипнинг кейинги тармокланиши сифатнинг даражаланувчи луғавий-маъновий гуруҳларига таянади.

14. [оч/ним + ранг билдирувчи сўз = рангнинг белгиланмаган қиёсий камлиги даражаси] қолипининг ҳосиласи айрим сўзлар билан чекланган. Масалан, *оқ, цора* каби сўзлар бу қолип узви бўла олмайди. Қолип ўта хусусий табиатга эғалиги туфайли унинг бошқа қриплардан фаркланиши парадигматик ва вокеланиши луғавий омиллар асосида юз беради.

15. [хиёл+сифат+рок=сифатий белгининг белгиланмаган қиёсий ва бетараф ортиклик/камлик даражаси], [от + -га қараганда+сифат ...рок = сифатий белгининг белгиланган қиёсий ва бетараф ортиклик/камлик даражаси] (вариантлари, *-га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам -роқ* воситали) каби хусусий қолиплар *-роқ* шаклли морфологик қолипнинг ҳосилалари бўлиб, улар даража функционал-семантик майдони марказий воситалари сифатида намоён бўлади. Бу қолипларни фарқловчи омиллар лексик-морфологик-синтактик характерга эга.

Луғавий маъно воситасида ифодаланадиган белги даражасини вокелантирувчи омил синтактик характерга эга. Нолисоний восита вокеланиши учун нуткий шароит ва нуткнинг ижтимоий хосланганлиги аҳамиятли.

16. Даража функционал-семантик майдон таркибини белгилаш куйидаги омиллар асосида амалга оширидди: даража функционал-семантик майдони таркибини ташкил этувчи воситаларнинг кўлланиш миқдори; даража функционал-семантик майдони воситасининг қиёсга муносабати ва уни мустақил ҳолда ифодалай олиш даражаси; ядро қисмининг белги микромайдонига кўпроқ хосланганлиги аникланди.

Ишнинг илмий янгилиги куйидагиларда намоён бўлади:

- даража ҳодисаси илк марта функционал-семантик майдон сифатида олиниб, уни ифодаловчи фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва нолисоний воситалар биргаликда бир-бирини тўлдирувчи яхлит тизимни ташкил этиши асосланди;

- даража функционал-семантик майдони тушунчасини ифодаловчи воситалар таркиби аникланди;

- даража функционал-семантик майдони тушунчасини ташкил этувчи воситаларнинг лисоний, функционал-семантик хусусиятлари ўрганилди;

- даража функционал-семантик майдони воситаларининг семантик таркиби аникланди, улардаги асосий, ёндош ва ҳамроҳ маъно кўрсатилди;
- даража функционал-семантик майдони тушунчасини ифодаловчи воситаларнинг нутқий воқеланиши ва бунда уларнинг ўзаро мутаносиблиги, бир-бирини тўлдириш хусусияти ҳамда уларни воқелантирувчи бошқа омилларнинг ўрни аникланди;
- даража тушунчасини ифодаловчи лексемалар маъносининг морфологик, синтактик, услубий воситалар ёрдамида реаллашуви, даража тушунчасини ифодаловчи грамматик (морфологик) шакллар маъносини лексик, синтактик ва услубий воситалар ёрдамида акс эттириш ҳамда уларнинг фарқи жиҳатларига эътибор қаратилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Гадки кот натижаларининг назарий аҳамияти узбек тилидаги яхлит тизим ҳолатидаги ходисалардан бири бўлган даража тушунчасининг муайян туркумга хос грамматик категория сифатида эмас, балки кенгроқ тушунча - функционал-семантик майдон сифатида ўрганилганлиги, даража функционал-семантик майдони таркибий қисмларинининг аниқланганлиги, майдон тилнинг яхлит тизимийлигини лисоний воситалар ёрдамида далиллаш омили эканлиги асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти грамматик категория ва бошқа лисоний ходисалар таълимини мукаммаллаштиришга хизмат қилишида, олий таълимда узбек тили морфологияси ва лексикаси масалаларини ўқитишда, функционал-семантик майдонлар бўйича махсус курсларни ташкил этишда, тилшуносликнинг тегишли соҳалари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш жараёнида кўринади.

Натижаларнинг жорий этилиши. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан Қарши давлат университетида "Тилшунослик назарияси", "Тилшуносликка кириш", "Умумий тилшунослик", "Ҳозирги узбек адабий тили" фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижалари бўйича Қарши давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси қошидаги илмий-назарий семинар мажлисларида, ёш олимлар конференцияларида маърузалар қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот мавзуси Қарши давлат университети илмий кенгашида тасдиқланган (2006 йил 30 ноябрь, 12-сонли баённома) ва ОАК бюллетенида эълон қилинган (2007 йил №1, 132-6.) Диссертация Ўзбек тилшунослиги кафедрасида (2011 йил 31 май, 11-сонли баённома), шунингдек, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтга ҳузуридаги ДК.015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда (2011 йил, 7 октябрь, 7-сонли баённома) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни республика илмий журналларида ва илмий тўпламларида эълон қилинган мақолаларда, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий анжуманлари материалларидаги 8 та мақолада акс этган.

Шунингдек, битта илмий мақола Россиянинг Тамбов шаҳри "Филологические науки" (2010 йил №2) журналича эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот қирғиш, ўқ боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 126 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Қирғиш** қисмида мавзунинг долзарблиғи асосланган, ўрганилиш даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, назарий ва амалий аҳамияти, методлари, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, ишнинг жорийланиши ва синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиғи, тадқиқотнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

I боб "Функционал-семантик майдон ва даража маъносининг ифодаланиши" масаларига бағишланган бўлиб, икки қисм асосида ёритилди.

1.1. **"Функционал-семантик майдон талқини ва даража маъноси"** деб номланган биринчи қисмда "майдон" тушунчаси, терминнинг тилшуносликка олиб қирғилиши, "майдон" тушунчасининг "категория" тушунчасидан фарқли жиҳатлари, тил ҳодисаларини майдон сифатида ўрганишга бағишланган тадқиқотлар борасида фикр юритилди.

Майдон назарияси бўйича жаҳон тилшунослиғида бир қатор ишлар амалга оширилган. Майдон тушунчаси аслида физика соҳасида пайдо бўлган бўлиб, «физик ҳодиса воқеаланадиган ёки унинг таъсири пайдо бўладиган фазо»²⁴ сифатида изоҳланади. А.Уфимцева семантик майдон назарияси ва унинг лугат таркибини таҳлил қилишдаги имкониятларини ёритди .

Ҳусусан, ўзбек тилшунослиғида ҳам лексик ёки синтактик бирликлар мажмуасига майдон сифатида қаралган тадқиқотлар мавжуд .

А.М.Кузнецов таъкидлаганидек, тадқиқотчилар кўп ҳолларда лексик майдонни лексик-семантик гуруҳга, лексик парадигмага маънодош тушунчалар сифатида қарайдилар²⁷. Бу борада Т. Мирзақуловнинг «Майдон нуқтаи назаридан ёндашилганда у тилнинг бир неча сатҳ ҳодисаларини туташтириб, сатҳлараро фарқка чек қўяди, парадигма эса бир сатҳ доирасида бўлиб, сатҳлараро чегарани саклайди» деган фикри эътиборлидир .

Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т. I. - М.: Русский язык, 1981.-Б.442.

²⁵ Уфимцева А. А. Теории «семантического поля» и возможности их применения при изучении словарного состава языка / Вопросы теории языка в современной зарубежной лингвистике. - М.: Наука, 1961. -С.30-64.

²⁶ Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шаҳе микромайдони): Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. -Тошкент. 1999; Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1988. - № 4. - Б. 62-66; Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиғи ва унда сатҳлараро муносабатлар; Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. -Тошкент, 2002. - Б.47.

Кузнецов А. М. Поле // Лингвистический энциклопедический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1990 -С. 380-381.

²⁷ Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол. Фанлари д-ри ... дисс. автореф. - Тошкент, 1994. - Б. 18-19.

Турли тилшунослар томонидан майдон, унинг воситалари, чегараси, таркиби каби масалалар турлича талкин қилинган. Функционал-семантик майдон (хусусан, А.В.Бондарко тадқиқотларида) ҳақида ҳам фикрлар бўлиб, уларда майдон бир сатҳ доирасидан чиқиб, бутун тилни камраб олиши айтилади²⁹. Функционал-семантик майдон термини майдон тушунчаси талкинининг бирмунча такомиллашганлигидан далолат беради.

Тадқиқотимизда "майдон" терминига нисбатан конкретрок, аниқрок бўлган *функционал-семантик майдон* терминидан истифода этдик. Зотан, бу термин майдон тушунчасининг лисоний ҳодиса эканлигига ишора қилиш билан бирга, унинг моҳиятини ҳам ўзида нисбатан тўлиқроқ акс эттиради. Чунки майдонда асосий эътибор бир хил маъновий вазифа ифодалашга қаратилади. Шунингдек, *функционал-семантик майдон* термини, ҳодисанинг лингвистик аспектда текшириляётганлигини ҳам таъкидлайди.

1.2. *Ўзбек тилида даража тушунчасини ифодаловчи воситаларнинг ўрганилиши.* М.Содиқова белги билдирувчи лексемаларнинг маъно хусусиятлари, ранг-туе билдирувчи сифатларнинг семантик хусусиятларини ёритди. Олима "Ўзбек тилида вариантдошлик" китобида от, сифат, сон, олмош, феъл туркумидаги вариантдошлар маъносини изоҳлаш жараёнида сўзларнинг эмоционал-экспрессив хусусиятлари борасида тўхталади. Лексемаларнинг қўлланиши, маъно ифодалаш даражасига эътибор қаратади.³¹

Ўзбек тилшунослигида даража маъносини ифодаловчи воситалар формал синхроник тадқиқининг илк намунасини А.Н.Кононов монографиясида кузатамиз.³² А.Хаметова³³, Ф.Исҳоков³⁴, З.Маъруфов³⁵, А.Мадрахимов³⁶ тадқиқотларида ҳам шунга монанд фикрлар қўзғатилади.

Ўзбек тилининг грамматик хусусиятлари атрофлича ёритилган манбаларда сифат даражаларига грамматик категориядан кенгрок ҳодиса сифатида муносабатда бўлиш, майдон сифатида қарашга интилиш сезилади³⁷

Профессор Ш.Рахматуллаев сифатлардаги даража ифодаловчи воситаларни анъанадагидан фарқди равишда грамматик категория сифатида қарашдан чекинади: "Сифат даражалари деб келинган ҳодисаларни яхлит бир

Бондарко А. В- Грамматическая категория и контекст. - Л.: Наука, 1971. - 1 [6; Шу муашгаф. Теория морфологических категорий. - Л.: Наука, 1976. - 256 с; Шу муаллиф. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. - Л.: Наука, 1983. - 208 с; Шу муаллиф. Функциональная грамматика. -Л.: Наука, 1984.-136с.

³⁰ Содиқова М. Ўзбек тилида ранг-туе билдирувчи сифатлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс -Тошкент, 1963

³¹ Содиқова М. Ўзбек тилида вариантдошлик. -Тошкент, 2009. - 50 б.

³² Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. - М.-Л.: АН СССР, 1960. -С.162-165.

³³ Хаметова А. Қўрсатилган автореферат.

³⁴ Исҳоков Ф. Г. Имя прилагательное. - М.: Ист.-срав. грам.тюрк.яз., 1987. II. - С. 143-145;

³⁵ Маъруфов З. М. Ўзбек тилида сифатларнинг қиёсий даражалари / Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти асарлари. - Тошкент, 1949.

³⁶ Мадрахимов А.Прилагательные новообразования в современном узбекском языке: Дисс. ...канд. филол. наук. - Тошкент, 1955.

Ўзбек тили грамматикаси. I том. -Тошкент: Фан, 1975. - Б.60-63; Шоабдурахимов Ш., Аскарлова М., Ҳожиёв А. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм / Педагогика институтларининг филология факультети студентлари учун дарслик. - Тошкент: Уқитувчи, 1980. -Б. 255.

парадигмага (тизимга) бирлаштириш учун етарли асос йўқ". Бу фикр мазкур воситалар сирасини алоҳида функционал-семантик майдон сифатида ўрганишга дойр фикримизни кувватлайди.

О.Бозоров сифат даражаси категорияси шакллариининг номланиши хусусида фикр юритиб, унинг номинация мантиқига мое келмаслигини таъкидлайди. Олим сифат даражалари киёс асосида бўлиб, бу киёс ифодаланган ва ифодаланмаган турларда бўлишини кўрсатади.

Ш.Шаҳобиддинова даража категориясининг формал-функционал талқинига бағишланган тадқиқотида систем ёндашув асосида даража категориясини махсус текширди, даража ҳамда киёс категорияларини фарқлаш лозимлиги ҳақидаги қарашларини илгари сурди.

Тадқиқотларнинг аксариятида даража тушунчасига грамматик категория сифатида муносабатда бўлинган.

II боб "Даража функционал-семантик майдонининг лисоний хусусияти" деб номланган. Иккинчи бобнинг биринчи қисмида функционал-семантик майдон ва унинг таркиби ёритилган.

2.1. *Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон ва унинг таркиби. Даража сўзининг кўп маънолилиги ва серкирралиги ҳам масала моҳиятини мураккаблаштиради. Фалсафада даража нарс ва ҳодисаларнинг кандай боскичда уюшганлиги ва ривожланганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан, материянинг тузилиши даражаларига анорганик даража (жонсиз табиат), органик даража (жонли табиат) ва ижтимоий даража (жамият)лар киради. Микёсий тузилиш даражаларига эса микродаража, макродаража ва мегадаражалар киради*⁴¹.

Даража тушунчаси узбек тилида мураккаб сатҳли майдон ҳосил килади. Аслида даражаланишнинг турли тил сатҳ бирликлари билан ифодаланиши ва даражаланишнинг турли сатҳда мавжуд бўлишини фарқлаш муҳимдир. Даража ва даражаланишнинг диалектик асоси ҳам турлича. Масалан, «материянинг узлуксиз ҳаракати, миқдор ўзгаришларининг бир сифат туридан иккинчи бир сифат турига оралиқ ҳолатлар орқали тадрижий ўзгариб боришининг ўзи борлиқнинг даражаланиш заминиди шаклланганлигини кўрсатар экан», бундан даражаланиш асосида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига тадрижий ўтишини, даражанинг ўзи эса ўртача ҳолатга нисбатан олинганлиги сабабли уни ўрганишнинг методологик асоси *меъёр* тушунчаси эканлиги маълум бўлади.

Лисоний ва нолисоний воситаларнинг белги даражаси маъносини ифодалаши турлича бўлиб, бу воситаларнинг ўзи ҳам ушбу маънони ифодалашига кўра фарқланади. Баъзи воситада белги даражаси аниқ кўриниб

³⁸ Рахматуллаев Ш. Ҳозирги адабий узбек тили (дарелик). - Тошкент: Muratoz so'z, 2010. I-қисм. 36-6, ' Бозоров О. Узбек тилида даражаланиш: Филол. фанлари д.ри. ... дисс. автореф. -Тошкент, 1997. -Б.37.

⁴⁰ Шаҳобиддинова Ш. Узбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. I қисм - Андижон, 1994. - 108 б.; Шў муаллиф. Узбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. II қисм. - Андижон, 1994. - 132 б.

⁴¹ Фалсафа: Қомусий луғат/Тузувчи вამасўл муҳаррир Х. Назаров. - Тошкент: Шарк, 2004. -Б.82.


⁴² Бозоров О. Узбек тилида даражаланиш: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. - Тошкент, 1997. - Б. 9.

турса (энг, жуда, гоят, беҳад), бошқасида контекстан ташкарида уни сезиш мумкин эмас (-роқ). Бундай восита бетараф восита дейилади⁴³.

Бетараф воситанинг маъно ифодалаш кўлами кенг бўлиб, бу унинг имкониятини белгилайди. Умуман олганда, бетараф бирлик майдон адриси бўлишга кўпроқ ҳақлидир⁴⁴. Чунки ҳар қандай ҳолатда бетараф бирлик ёки категориял тизимдаги доминанта бирлик ўзида бошқа бирликларнинг хусусиятларини тўлароқ акс эттириши, уларнинг ўрнини алмаштира олиш хусусиятининг устуворлиги билан характерланади⁴⁵.

Даража ифодаловчи бошқа воситалар даражанинг бўлак микромайдонларида ишлатилади. Аммо улар сирасида энг ва ҳаммадан лексик бирликлари ўзининг белги даражасига хосланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Демак, -роқ, шакли ва энг сўзининггина майдон ядроси сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Белги даражаси микромайдонини ифодаловчи воситалар ҳам даража функционал-семантик майдони тушунчасининг қайси қисмларини хосил қилишига кўра уч қисмга бўлинади: ядро, марказ ва чекка қисм. Буни чизмада қуйидагича бериш мумкин:



Умуман белги даражаси микромайдонини лингвистик ўрганиш натижасида «белги даражаси майдони ядро, марказ ва чекка қисмдан тузилган бўлиб, белги даражасини турли кўриниш ҳамда даражаларда

⁴³ Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Самарқанд, 2004. – Б.40.

⁴⁴ Бетараф қийматли лисоний бирликларнинг тавсифи билан танишиш учун қаранг: Якобсон Г.О. Морфологические наблюдения над славянским склонением. – Moutoups – Gravelhage, 1958; Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст. – Л.: Наука, 1971; Бондарко А. В. Теория морфологических категорий. – Л.: Наука, 1976; Зикриллаев Г.Н. Компонентный анализ синтетических форм прошедшего времени в узбекском языке // Советская тюркология. – Баку, 1980. – № 5. – С. 46–54; Шу муаллиф. Система форм повелительно-желательного наклонения в узбекском языке // Советская тюркология. – Баку, 1983. – № 6. – С. 52-58; Нигматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Ташкент: Фан, 1989. – 192 б.

⁴⁵ Нейматов Х. Фейл, унинг форма ва категориялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – №1. – Б. 39-46.

ифодалайдиган лисоний ва нолисоний воситаларнинг уюшган мажмуи» таърифи илмий асосланади.

2.2. Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон ядросининг лисоний хусусиятлари. -рок шакли бош восита (ядро) сирасида бўлиб, у белги даражасини турли кўриниш ва даражаларда ифодалаш учун хосланган ва изчил, узлуксиз кўлланишга эга.

Бобур элчиликка муносиброқ одам топа олмай, ҳижрий 937 йилда Хўжа Хусайини Московия подшосига аталган мактуб ва совга-саломлар билан Аградан лсўнатиб юборди. (П.Қодиров. "Авлодлар довони".) Ушбу мисолда *муносиброқ* сифати *-роқ* шаклида келган бўлиб, сўзнинг имплицит бирикувчиси *ундан* сўзшаклидир. Кўринадикки, гапдаги *муносиброқ* сўзи белги даражасини кўрсатаётганлиги маълум бўлса-да, унинг шартли "эталон"га муносабати аниқ бўлмай қолаётир. Қиёс объекта *шахе* бўлганда, сифатдаги белгининг ортик еки камлиги белгиланмаган, қиёс объекта *элчилик* "эталон"и бўлганда белгининг камлиги ифодаланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам *муносиброқ* сифати *маъқул* сифатига маънодош бўлади. *Маъқул* сифатида мазкур "эталон"дан куйи ва юкори ҳолатлар ҳам мужассамлашгандир.

Қуйидаги жумлада эса **-рок** шаклининг "белгиланмаган қиёсий "ноодатий" белгисининг оддий даражаси" эвфемистик хусусий грамматик маъноси воқеланишига дуч келамиз: *Бор, тўғри, бор, - деди командир. - Пекин ана шундай буйруқ ҳам бор! - Қабристон кўчирилсин, дегич буйруқми? - Йўқ, бошқачароқ буйруқ, бошқачароқ...* -*Хўп, айтинг, қандайчикин буйруқ экан? Мен қишлоқ шўроси раисиман, билишим керак?* (Т.Мурод. "Бу дунёда ўлиб бўлмайдим".) Бунда *бошқачароқ* сўзидаги *-роқ* шаклида лисоний ва нолисоний омиллар мувофиқлиги кузатилади. Чунки сўзловчи *-роқ* шаклини белгининг оз-кўплик нуқтаи назаридан даражалаш учун эмас, балки хусусиятига кўра фаркланишни ифодалаш учун кўллаган.

Энг сўзи манбаларда даража ифодаловчи лексема сифатида эътироф этилади. "Авлодлар довони" асарини кузатиш натижаларига кўра айтиш мумкинки, унда **Энг** сўзи даража маъносини ифодаловчи восита сифатида белги ёки ҳаракат биддирувчи сўзлар олтидан 174 марта қўлланган ва уларнинг барчасида грамматик маъно ифодаловчи восита сифатида юзага чиққан. Шундан 4 таси сифатдош билан (**Энг** *ишонган* - 31-, 270-, 346-, 356-, 407- бетлар, **Энг** *таърифи кетган* - 334-бет, **Энг** *огрийдиган* — 433-бет, **Энг** *қизиб турган* - 44-бет), қолган ҳолатларда (170 мисол) белги билдирувчи сўзлар (сифат ва равиш) билан қўлланган. Бундан маълум бўладики, **Энг** сўзи асосан белги даражаси маъносини ифодалайди ва бу хусусияти уни белги даражаси микромайдони ядроси сифатида қарашга асос бўлади.

2.3. Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон марказининг лисоний хусусиятлари.

Ушбу киемда манба сифатида олинган асарлар мисолида даража-семантик майдони марказий бирликларининг лисоний хусусияти ёритилди.

Диссертацияда қуйидаги шакллар: 1) *хаммадан/барчадан* сўзлари; 2) биринчи бўғинни ажратиб. унга *п, м, с* товушини қўшиш ва ёнидан

сифатнинг ўзини келтириш: *ям-яшил, сап-сариг*; 3) дастлабки қисмига *пта* унсурини кўшиш ва сўзнинг ўзини жуфтлаштириш: *сонпа-соғ*; 4) *-иш// -гиш, -мтир// -имтир, -тоб, -гина// -кина// -қина* кўшимчалари; 5) *оч, ним* сўзлари, шунингдек, синтактик восита сифатида қаралувчи: а) махсус кучайтирувчи (орттирма даража маъносини ифодаловчи) сўзлар: *экуда, гоят, беҳад, бекмёс каби*; б) такрорий сўзлар: *зўр-зўр, бармоқдай-бармоқдай каби*; в) турли сўз бирикмалари, идиоматик иборалар: *ҳаддан зиёд, ҳаддан ташиқари, мисли йўқ, баҳоси йўқ, минг марта, аёл бовар қилмас, мутлақо каби*; 6) қиёснинг мантикий мавжудлиги, белгини маълум бир сифатларда кўрсатиш билан чекланганлиги, шу билан биргаликда, даражани асосан белги микромайдонида ифодалай олиши эътиборга олиниб, даража функционал-семантик майдони марказий бирликлари сифатида ажратилади. Шу билан биргаликда, лексик элемент билан морфологик шаклларнинг биргаликда кўлланиши: *хиёл+сифат+роқ; -га қараганда ...роқ;; -га нисбатан ...роқ; -дан кўра ...роқ; -дан ҳам -роқ*, каби синтактик-морфологик восита сифатида б&чоланувчи шакллар ҳам белги даражасини ифодалаш категориал хоссасига эга бўлганлиги сабабли даража функционал-семантик майдони марказий бирликлари сифатида баҳоланади.

Ҳаммадан сўзи иштирок этган мисоллардан тўрттасинигина (*ҳаммадан яхши, ҳаммадан ортиқ, ҳаммадан ёмони, ҳаммадан бой*) белги даражасини кўрсатувчи далил сифатида қабул қилиш мумкин. Бу сўз аксар ҳолларда равиш туркумига мансуб сўзлар билан келиб, ҳаракат/ҳолатнинг даражасига ишора қилган (*ҳаммадан аввал, ҳаммадан олдинда*).

Жуда сўзи иштирок этган барча ҳолатларда белгининг ортиқ даражаси ифодаланган. Бу сўзнинг категориал (субстанциал) маъноси ҳисобланувчи «орттирма» семасига «киес» семаси ҳамроҳ маъно сифатида иштирок этади. «Авлодлар довони» романида *жуда* сўзи 199 марта орттирма даража воситаси сифатида ишлатилган бўлиб, ундан 114 таси сифат сўз туркуми учун, 59 таси иш-ҳаракат даражасини ифодалаш учун хизмат қилган. Қолганлари эса равиш туркумига мансуб сўз билан (*хусусан, тез, кўп, оз* сўзлари билан) кўлланган.

Ғирт асосан характер/хусусият белгиси даражасига нисбатан ишлатилади. «Авлодлар довони» ва «Юлдузли тунлар» романларида *ғирт* сўзи учрамади. Негаки, П.Қодиров асар ёзиш давомида тарихий манбалар, ёзма ёдгорликлар тилини мукаммал ўрганган. ***Ғирт*** сўзи тарихий-бадий манбаларда деярли учрамайди. Бу birlik сўзлашув услубига хос бўлиб, асосан, кейинги даврларда фаоллашди. Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида эса бир мартагина *-маёт* сўзининг орттирма даражасини ифодалаш учун кўлланган. «*Скорый помош*»чилар *Ражабовни машинага солиб кўрсалар. ғирт маёт бўлган*. (Т.Мурод. "Бу дунёда ўлиб бўлмайди".)

⁴⁶ Мусулмонова Н. Р. Грамматик шаклларда категориал, ёндош ва хайроҳ маъно (замон ва майл категориялари мисолча): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. -Тошкент, 2007. - 26 б.

Даража функционал-семантик майдони бирликларининг фаркловчи, субстанциал белгилари асосидаги оппозитив муносабатлари мажмуасини жадвалда куйидагича бериш мумкин:

Жадвал

Восита	Зиддият белгиси		
	Белги ортиклиги	Қиёсга муносабат	Ранг-тусга хослик
-ппа таркибли аъзо	+	0	-
п, м, с товуши қатнашувчи аъзо	+	0	+
-иш///-ғиш воситаси	-		+
-мтир///-имтир воситаси	-	+	+
-тоб воситаси	0	+	0
-гина/-цина/-кина воситаси	0	0	0

Кузатишлардан маълум бўладики, майдон маркази воситаларидан бир кисми белги даражасини ифодалаш нуктаи назаридан майдон ядросига интилса {-*(у)мтир*, -*тоб*} кўлланиш камрови уларни майдон чеккасига "суради".

2.4. Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон чеккасининг писоний хусусиятлари. Майдоннинг чекка кисмини куйидаги воситалар ташкил килади: сифатнинг луғавий маъноси, отнинг луғавий маъноси, сифатдош, ибора, такрорий сўз, нолисоний восита (имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати).

Белги даражасини ифодаловчи микромайдоннинг асосий чекка воситаларидан сифат, сифатдош, от, ибора, такрорий сўз, сўз бирикмаси ҳамда нолисоний воситаларнинг лисоний хусусиятлари тахдил килинди. Бу воситалар нафакат белги даражаси микромайдони, балки бошқа даража микромайдонига хос тушунчаларни ифодалаш нуктаи назаридан ҳам ахамиятга эга. Бу эса уларнинг майдон чеккасига сурилишига олиб келган.

Белги даражаси микромайдони чекка воситаларида белгининг ортик-камлиги лисоний ва нолисоний воситалар ёрдамида ифодаланар экан, бунда киёс ноль даражага тушиб, асосан ортиклик ёки камликка эътибор қаратилади.

Диссертациянинг III боби "**Даража функционал-семантик майдони воситаларининг нутқий воқеланиши**" деб номланган бўлиб, уч киёмни ўз ичига қамраб олган.

3.1. Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон ядроси бирликларининг нутқий воқеланиши

Лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши ва нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши бир неча жихатлари билан зидланади.

Биринчидан, нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши «алохидалик-махсуслик-умумийлик» тамойили ва «нутк-лисон» антиномияси асосида амалга оширилади. Лисоннинг нутқий воқеланиши эса «умумийлик-махсуслик-алохидалик» тамойили ва «нутк-лисон» методологияси асосида кузатилади. Бунда «амалга оширилади» ва «кузатилади» сўзларининг маъносига эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши ва лисоннинг тикланиши соф субъектив ҳодиса. Лисоннинг нутқий воқеланиши эса объектив воқелик бўлиб, у бизнинг хоҳиш-иродамизга боғлиқ эмас.

Учинчидан, нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилишида турли ҳодисалар - лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг таъсири, умумлаштирилаётган ҳодисадаги инъикосидан воз кечилади, улар эътибордан соқит қилинади. Лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишида эса айнан шу ҳодисалар - воқеланаётган бирликка бошқа тил ҳодисалари, экстралингвистик омилларнинг таъсири масаласи тадқиқотчи диққат марказида бўлади.

Тўртинчидан, нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилишида семантик яхлитлашиш устуворлашади, лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишида семантик фарқланиш кучаяди.

Лисон нутқда воқеланар экан, бунда бирликнинг семантик қамрови ва воқеланиш имкониятларига кўра воқеланиш поғонаси сони турлича бўлиши мумкин. Шунингдек, лисоний бирликнинг семантикаси, у қайси сатҳ бирлиги бўлишига боғлиқ равишда, ўзга сатҳларнинг воқеланишга таъсири турлича бўлади. Хусусан, агар воқеланувчи бирлик морфологик бўлса, бунда лексик бирлик (морфема бирикаётган сўз)нинг унга таъсири кучли, бошқа сатҳларнинг таъсири сезилар-сезилмас бўлади. Воқеланаётган ҳодиса лексик бирлик бўлса, морфологик ва синтактик ҳодисаларнинг воқеланишга бўлган таъсирида уларнинг бирортасига устуворлик бериб бўлмайди. Синтактик бирликларнинг нутқий воқеланишида ҳам ўзга сатҳлар ҳамкорлиги кузатилади.

-*рок*, шакли сифат, равиш ва қисман феъл туркумига мансуб сўзлар билан биргаликда намоён бўлади ва унинг моҳияти ҳақида сўз кетганда, уларсиз иш кўриш мумкин эмаслигини таъкидлаш лозим. -*рок*, грамматик шакл эмас, балки грамматик восита (грамматик шакл ҳосил қилувчи) бўлиб, унинг шакл ва мазмунини яхлит ва тўлиқ ифодалаш зарурати туғилганда, буларсиз иш юритиб бўлмайди. Шундай экан, -*роқ* воситасининг тўлиқ лисоний моҳияти (шакл ва мазмун яхлитлиги сифатида) [*белги/миқдор/ҳаракат билдирувчи сўз* + -*роқ* = *белгиланган қиёсий белей даражаси*] кўринишига эга бўлади. Бунда учала микромайдон бирликларига хос денотатив ҳолат қамраб олинган. Чунки -*роқ* шакли сифат, равиш, феъл туркумларига мансуб сўзлар билан бирикиб, белгининг ҳам, ҳаракатнинг ҳам, миқдорнинг ҳам даражасини ифодалайди.

Демак, -рок шаклли колипнинг нуткий воқеланишида умумий маъно фаркланиши учун грамматик омил хал килувчи роль ўйнаса, микромайдон ядровий воситаси сифатида колипнинг то нуткий воқеланишгача бўлган ҳолатларида луғавий-маъновий омил, нуткий маъноларнинг фаркланиши учун турли лисоний ва нолисоний омиллар муҳим ўрин тутди.

Энг сўзли шаклнинг нуткий воқеланиши. Энг сўзи белги даражасини воқелантирувчи номустакил лексик бирлик сифатида юзага чикканлиги боис ҳам уни ўзи бирикаётган сўз умумийлиги асосидаги морфологик крлип таркибида кузатиш лозим бўлади. -роқ аффикси каби *энг* сўзи ҳам белги, микдор, ҳаракат/ҳолат (сифатдош) билдирувчи сўзлар билан бирга қўлланиб (-роқ кўрсаткичи даражасида бўлмаса-да), ҳар учала микромайдон учун умумий, белги ва микдор микромайдонлари учун эса зарурий восита сифатида намоён бўлади.

Шунинг учун *энг* сўзли колипни [энг+белги/ликдор/ҳаракат/ҳолат билдирувчи сўз белгининг ортиқлик даражасини белгиланмаган/белгиланган қиёс асосида ифодалаш] тарзида таърифлаш мумкин. Энг шаклли даража воситасининг нуткий воқеланишида грамматик (морфологик) ва луғавий омиллар муҳим фарқловчи омил бўлиб хизмат қилади. Хусусий маъноларни фарқлашда морфологик, синтактик, услубий ва, албатта, нолисоний омилларнинг роли устувордир.

3.2. Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон маркази воситаларининг нуткий воқеланиши. Ҳрммадан/барчадан сўзларининг бошқа даражаланувчи туркумларга ҳос кўринишидан фарқли равишда белги даражасини ифодаловчи восита сифатидаги умумий грамматик маъноси «орттирма даражанинг белгиланган қиёсий даражаси» умумий грамматик маъносига эга бўлиб, [хаммадан/барчадан + шахсни тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахсни тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси] морфологик колипининг таркибий қисмидир.

Қолипнинг оралиқ кўринишларини фарқловчи дастлабки восита морфологик табиатга эга. Чунки бу колип шу кўринишда, модификациясиз воқеланишга эга эмас. Эгалик қўшимчаси воситасида морфологик колип [хаммадан/барчадан + шахсни тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахсни тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси] ва [хаммасидан/барчасидан + умуман даражаланувчи сифат = сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси] кўринишида тармокланади. Қолип сифатнинг даражаланувчи барча луғавий-маъновий гуруҳлари учун бирдай хизмат қилади. Шу боисдан колипнинг кейинги тармокланиши ушбу маъновий гуруҳлар воситасида бўлиб, фарқловчи восита соф луғавий-маъновий табиатга эгадир.

Юкорида айтилганидек, бу колип синтактик колипга ҳам яқинлашади.

-иш// -гис, -мтир// -имтир, -тоб, -гина// -кина// -қина воситали крлиплар ҳам айрим сўзлар билан чекланган ва уларнинг ҳам воқеланиши парадигматик ва лексик омиллар асосидадир.

[хиёл+сифат+роқ = сифатий белгининг белгиланмаган қиёсий ва бетараф ортиклик/камлик даражаси], [от+ -га қараганда+сифат ...роқ сифатий белгининг белгиланган қиёсий ва бетараф ортиклик/камлик даражаси] (вариантлари, -га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам -роқ воситали) каби синтактик-морфологик қолиплар, юқорида айтилганидек, -роқ шаклли морфологик қолипнинг ҳосилалари бўлиб, улар майдон марказий воситалари сифатида намоён бўлади. Бу қолипларни фарқдовчи омиллар лексик-морфологик-синтактик характерга эга.

3.3. Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семаитик майдон чеккаси воситаларининг нутқий воқеланиши. Ҳозирги узбек тилшунослигининг долзарб вазифаларидан бири лисоний тизимдаги даражаланувчи айнанликларни ҳамда булар асосида шаклланган фаркланувчи (дифференциал) белгилар системасини тўлиқ таҳлил қилишдан иборат⁴⁷.

Даража функционал-семантик майдонининг чекка қисмини ташкил этган воситалар икки хил бўлиб (сифат, от, сифатдош, ибора ва нолисоний восита - имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати), уларнинг нутқий воқеланиши майдоннинг ядро ва марказ воситаларидан бирмунча фарқлилиги билан ажралиб туради.

Майдон чеккасини ташкил қилувчи лексик birlikлар матн ва қуршовга боғлиқ равишда белгининг ортиклиги, камлиги ёки меъёрийлигини ифодалар экан, бунда уларнинг семемаларининг нутққа хошланиши, умумий луғавий маъноларининг парчаланиши аҳамиятлидир. Даража функционал-семантик майдон чеккасини ташкил қилган birlikларнинг нутқий реаллашувида объектив, субъектив ва синтактик омиллар муҳим ўрин тутди.

Сўзларнинг луғавий маъносидан англашиладиган белги даражасини фарклашда синтактик омилнинг роли устуворлашади. Бошқача айтганда, белги билдирувчи сўзларнинг луғавий маъносидаги белги даражаси бирикувчи сўзларнинг семантикасига боғлиқ равишда амалга ошади.

Шундан келиб чиққан ҳодда, айтиш мумкинки, белги даражаси луғавий маънодан англашилганда, синтактик омилнинг белги даражасини кўрсатишдаги устуворлиги кўзга ташланади.

Диссертациянинг ушбу бобида қолипнинг оралик кўринишлари, кейинги тармоқланиши, синтактик табиати, тил тарихида синтактик қолиплар тараққиёти натижасидаги лексикализация, грамматикализация ҳодисаларининг юзага келиши борасида ҳам фикр юритилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Узбек тилшунослигида бир катор ҳодисалар майдон назарияси асосида ўрганилмоқда. Лисоний ҳодисалар лексик парадигмалар, морфологик категориялардан фаркли равишда кенг кўламли тушунча -функционал-семантик майдон сифатида таҳлил этилмоқда. Чунки тил

⁴⁷ Бозаров О. Узбек тилда даражаланиш: Фипол. фанлари д-ри. -.. дисс. - Тошкент, 1997. - Б. 29.

ходисаларига фақат морфологик, лексик бирликларнинг алоҳида мажмуаси эмас, балки уларнинг яхлитлигидан иборат лисоний тизим сифатида қараш маънадга мувофиқ. Ҳолбуки, исмларни боғлашда фақат келишиқ шакллари, замон маъносини ифодалаш учун фақат замон морфологик шакллари, ҳурмат маъносини ифодалашда фақат —*пар* шакли, микдорни ифодалашда сон категорияси ва сон сўз туркуми, эғалиқни ифодалашда фақат эғалиқ категориясигина иштирок этмайди. Маълум бир ҳодиса ифодаси учун лисоний тизим, бирликлар ўртасидаги муносабиқ, улар орасидаги алоқани мустақамлаш зарурати пайдо бўлади. Бу эса тил ҳодисаларининг аслида функционал-семантик майдонда намоён бўлишини кўрсатади.

2. Майдон лисоний-нуткий ҳодиса сифатида ўзида тилнинг диалектик қарама-қарши муносабатини акс эпиради. Аслида, майдон воситалари ўртасидаги муносабат лисоний бўлиб, улар орасидаги алоқадорлиқ бевосита кузатишда берилмаган. Бирок нутқда уларнинг бир-бирини тўлдирувчи, қопловчи муносабати ҳам мавжудлигини назарда тутиш лозим. Зеро нутқда тилдаги қатъийлиқ қонуниятни амал қилиб, бу қонуниятга кўра, ҳар бир ҳодисани ифодаловчи нуткий бирлик қенғаяди. Қенғайтирувчи воситалар (синтактик, морфологик, морфологик-синтактик) қенғаювчи бирлиқнинг мазмунини тўлдириш, мустақамлаш учун хизмат қилади. Бунда бир хил мазмунли ва ҳар хил мазмунли воситалар асосидаги қенғайишни фарқлаш лозим.

3. *Функционал-семантик майдон* терминидан истифода этиш майдон тушунчасининг лисоний ҳодиса (тил ҳодисаси) эканлигини таъқидлаши қатори ҳодиса моҳиятини ҳам ўзида нисбатан тўлиқ акс эттиради. "Майдон" тушунчасида асосий эътибор бир хил маъновий вазифа ифодалашга қаратилади. Бу, шунингдек, ҳодисанинг лингвистик аспектда текширилаяётганлиги билан ҳам белгиланади.

4. Ўзбек тилида даража маъноси ва унинг ифода воситалари, ҳодисанинг қатегориал хусусияти, тарқибни масаласида фикрлар бир хил эмас. Даража тушунчаси борасидаги турлича қарашлар даража маъносини ифодаловчи воситалар хилма-хиллиги, қамрови қенглиги, аниқроғи, грамматик қатегория ўлчовларига мувофиқ эмаслиги билан белгиланади. Бу ҳолат даража ҳодисасини грамматик қатегориядан қенгрок тушунча -функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш учун асос бўлади.

5. Белги даражаси микромайдонини ифодаловчи воситалар майдон тарқибини ташқил қилар экан, бунда ядро, марказ ва қечка қисмлар воситалари фарқланади. Майдон тарқибини белгилашда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим: майдонга қирувчи воситанинг қўлланиш даражаси; воситанинг қиёсга муносабати ва уни мустақил ҳолда ифодалаш даражаси; қайси даража микромайдонга кўпроқ ҳосланганлиги; воситанинг қиёсга муносабати ва уни мустақил ҳолда ифодалаш даражаси; қайси даража микромайдонга кўпроқ ҳосланганлиги.

-*роқ* даража шакли, у билан шаклланувчи -*дан+сифат+роқ* мураккаб шакли, *энг* бирлиги бош восита бўлиб, майдон ядросини ташқил қилади. Чунки бу шакллар асосан белги даражасини ифодалаш учун ҳосланган ва

унда даражанинг асосини ташкил этувчи қиёс якқол сезилиб туради. Шунингдек, мазкур вазифани бажариш учун турли шакл ва воситалар билан биргаликда изчил ишлатилади. Унинг кўлланиши даражанинг турлари (оз, ўртача, кўп) билан ҳам чекланмаган.

Хрммадан/барчадан сўзлари, махсус кучайтирувчи сўз ва сўз бирикмалари (*жуда, энг, гирт, тгш, беҳад*), фонетик воситалар (*п, м, с, ппа, ургу*), морфологик воситалар (*-иш// -гиш, -мтир// -имтир, -тоб, -гина// -кина// -қина*) қиёснинг мантикий мавжудлиги, белгини маълум бир сифатларда кўрсатиш билан чекланганлиги, шу билан биргаликда, даражани асосан белги микромайдонида ифодалай олганлиги боис даража функционал-семантик майдонининг *марказий қисмини* ташкил этади.

Майдоннинг чекка қисмини куйидаги воситалар ташкил қилади: сифатнинг луғавий маъноси, отнинг луғавий маъноси, сифатдош, ибора, такрорий сўз, нолисоний восита (имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати).

Белги даражаси микромайдони чекка воситаларида белгининг ортиқ-камлиги лисоний ва нолисоний воситалар ёрдамида ифодаланар экан, бунда "қиёс" семаси ноль даражага тушиб, асосан ортиқлик ёки камликка эътибор устуворлашади.

6. *-роқ* шаклли колиппнинг нутқий вокеланишида умумий маъно фарқданиши учун грамматик омил хал қилувчи роль ўйнаса, микромайдон ядровий воситаси сифатида колиппнинг то нутқий вокеланишгача бўлган ҳолатларида луғавий-маъновий омил, нутқий маъноларнинг фарқланиши учун турли лисоний ва нолисоний омиллар аҳамият касб этади.

7. *Энг* шаклли даража воситасининг нутқий вокеланишида грамматик (морфологик) ва луғавий воситалар муҳим фарқловчи восита бўлиб хизмат қилади. Хусусий маъноларни фарқлашда морфологик, синтактик, услубий, ва, албатта, нолисоний омилларнинг роли устувордир.

[*Ҳаммадан/барчадан + шахсни тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахсни тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси*] морфологик қилибини синтактик колиппдан морфологик қилип мантикий-фонетик ва ўзига ёндош оралик колиппдан фарқлайди ва нуткка олиб чиқади. Турли эгалик шаклидаги [*ҳаммасидан/барчасидан + умуман даражаланувчи сифат = сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси*] қилипи модификацион кўринишлари семантик омил (шахе ва сон маънолари) асосида фарқланади ва колиппнинг кейинги тармокланиши сифатнинг даражаланувчи луғавий-маъновий гуруҳдари вокеланади.

8. [*Ҳиёл+сифат+роқ = сифатий белгининг белгиланмаган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси*], [*от+ -га қараганда+сифат ...роқ = сифатий белгининг белгиланган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси*] (вариантлари, *-га нисбатан ...роқ, -дан кура ...роқ, -дан ҳам-роқ* воситали) каби хусусий колиплар *-роқ* шаклли морфологик колиппнинг ҳосилалари бўлиб, улар майдон марказий воситалари сифатида намоён бўлади. Бу қилипларни фарқловчи омиллар лексик-морфологик-синтактик характерга эга.

Луғавий маъно воситасида ифодаланадиган белги даражасини вокелантирувчи омил синтактик характерга эгадир.

Нолисоний восита вокеланиши учун нуткий шароит ва нуткнинг ижтимоий хосланганлиги муҳимдир.

9. Даражани функционал-семантик майдон сифатида тадқиқ қилиш тушунчанинг моҳиятини ёритишда, сатхлараро оралиқ ҳодисаларни таҳлил этишда ҳамда даража ифодалашда фонетик, лексик, морфологик воситаларнинг иштирокини белгилаш, нуткий вокеланишини кузатишда аҳамиятлидир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Элмурадова Л. Гетероген шаклли грамматик категорияларни ўрганиш вазифалари//Филология масалалари. -Ургенч, 2007. -№1.-Б. 113-115.

2. Элмурадова Л. Узбек тилида даража тушунчасини ифодаловчи воситаларнинг ўрганилиши // Илм сарчашмалари. - Тошкент, 2008. - №1. -Б. 78-86.

3. Элмурадова Л. Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон марказининг лисоний хусусиятлари // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. - Тошкент, 2008. - № 2. - Б. 117-119.

4. Элмурадова Л. Функционал-семантик майдон талкини ва даража маъноси//Илм сарчашмалари. - Тошкент, 2009.-№3. -Б. 136-138.

5. Элмурадова Л. Даража тушунчасида энг сўзининг функционал-семантик майдони // Тил ва адабиёт таълими. - Тошкент, 2010. - №5. - Б. 16-24.

6. Элмурадова Л. Лингворечевые свойства полей со степенными значениями // Филологические науки (Вопросы теории и практики). - Тамбов, 2010. - №2(6). - С. 201-204.

7. Элмурадова Л. Даража тушунчасини ифодаловчи функционал-семантик майдон маркази воситаларининг нуткий вокеланиши // ҚарДУ хабарлари. - Қарши, 2011. - №2(8). - Б. 93-97. "

8. Элмурадова Л. Функционал-семантик майдон талкини ва даража маъноси / Талабаларнинг илмий-амалий конференцияси. - Қарши: ҚарДУ, 2011.-Б. 151-154.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Элмурадова
Лайло Нормуратовнанинг 10.02.01 - Узбек тили ихтисослиги бўйича
"Узбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси
микромайдони)" мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: майдон, ядро, чекка кием, семантик майдон, белги, гомоген шакл, гетероген шакл, микромайдон, семантик муносабат, синонимия, антонимия, градуонимия, иерархия, категория, сатх, дефиниция, дихотомия, эталон, парадигма, синтагма, лингвистика.

Тадқиқот объект и: Тадқиқот объекти узбек тилида даража маъносининг ифодаланиши, тадқиқ предмети эса даража маъносининг майдон сифатида мавжуд бўлиш хусусиятидир.

Ишнинг максоди: Узбек тилида даража маъносини ифодаловчи воситани яхлит функционал-семантик майдон сифатида қамраб олиш ва тадқиқ қилиш диссертация ишининг бош мақсадидир.

Тадқиқот методлари: Ишнинг тадқиқ методологиясини диалектиканинг билиш назарияси, тилшуносликнинг нутқ ва лисон, лисон ва нутқ дихотомиясига асосланган таълимоти ташкил этади.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: даража маъноси майдон сифатида олиниб, уни ифодаловчи фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва нолисоний восита биргаликда бир-бирини тўлдирувчи яхлит тизимни ташкил этиши асосланди. Майдон воситасининг таркиби аниқланади. Майдон воситасининг лисоний функционал-семантик хусусияти ўрганилди. Даража тушунчасини ифодаловчи лексемаларнинг маъносини морфологик, синтактик, услубий омиллар белгиланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан олий таълимда узбек тили морфологияси ва лексикасини ўқитишда, функционал-семантик майдонлар бўйича ихтисослик ва танлов фанлари ташкил этишда, тилшуносликнинг тегишли соҳалари бўйича дарелик ва ўқув кўлланмалари тузишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртлари учун "Ҳозирги узбек адабий тили" курсидан дарелик ҳамда ўқув кўлланмалари тузишда фойдаланиш мумкин. Ундан узбек тилининг ички имкониятларини очиб бериш ва улардан узбек тилини ўқитишнинг янгича талқини учун фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: семасиология, морфология, синтаксис.

РЕЗЮМЕ

диссертации Элмурадовой Лайло Нормуратовны на тему:
«Функционально-семантическое поле степени в узбекском языке (микрополе
со значением степени)» на соискание учёной степени кандидата
филологических наук по специальности 10.02.01 - Узбекский язык

Ключевые слова: поле, ядро, периферия, семантические поля, признак, гомогенная форма, гетерогенная форма, микрополе, семантические отношения, синонимия, антонимия, градуонимия, иерархия, категория, ярус, дефиниция, дихотомия, эталон, парадигма, синтагма, лингвистика.

Объекты исследования: единицы, выражающие значения степени в узбекском языке, свойства реализации значения степени в семантическом поле.

Цель работы: исследование единиц функционально-семантического поля, выражающих градуонимические значения.

Методы исследования: анализ, основанный на учении дихотомии речи и языка, языка и речи в языкознании, системно-структуральное исследование, метод компонентного анализа.

Полученные результаты и их новизна: В работе обосновывается организация поля со значением степени как целостной системы, являющейся результатом взаимодополняющих друг друга фонетических, лексических, морфологических, синтаксических и стилистических свойств лексем, содержащих понятия степени. Определяется состав средств поля, изучены лингвистические, функционально-семантические признаки средств поля. Выделены морфологические, синтаксические, стилистические факторы лексем, связанных с понятием степени.

Практическая значимость: результаты исследования служат для усовершенствования изучения грамматических категорий и других лингвистических явлений и их можно использовать при обучении лексике, морфологии и синтаксису узбекского языка в вузах, при изучении функционально-семантических полей по спецдисциплине и дисциплине по выбору и при составлении соответствующих разделов языкознания учебников и учебных пособий.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования могут быть использованы в вузах при составлении учебников по курсу "Современный узбекский литературный язык", составлении учебных пособий, при раскрытии внутренних возможностей узбекского языка, а также для иллюстрации новых толкований при обучении узбекскому языку.

Область применения: семасиология, морфология, синтаксис.

REZUME

Thesis of Elmuradova Lailo Normuratovna on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in Philology, specialty 10.02.01 - the Uzbek Language, on the subject: "Functional and semantic field of degree in the Uzbek language (microfield with the meaning of degree)"

Key words: field, core, periphery, semantic fields, a sign, a homogeneous form, heterogeneous form, the micro field, semantic relations, synonyms, antonyms, graduonimy, hierarchy, category, layer, definition, dichotomy, standard, standard, paradigm, syntagma, linguistics.

Subjects of research: units expressing the meaning of degree in the Uzbek language, peculiarities of realization of the meaning of degree in semantic field.

Purpose of work: research of units of functional-semantic field expressing graduonomic value.

Methods of research: analysis based on studying the dichotomy of the speech and language, language and speech in linguistics, systematic and structural research, method of component analysis.

The results obtained and their novelty: in the work the organization of the field with the meaning of degree as a whole system being the result of complementary each other phonetic, lexical, morphological, syntactic and stylistic features of lexeme containing the concept of degree are grounded. The structure of field means is defined, linguistic, functional and semantic signs of field are studied. The morphological, syntactic, stylistic factors of lexemes connected with the concept of degree are singled out.

Practical value: Results of the research serve for perfection of studying the grammar category and other linguistic phenomena and they can be used: in teaching vocabulary and morphology, syntaxes of the Uzbek language in higher education; in studying the functional and stylistic fields on special discipline and that of according to choice; in compiling the appropriate parts of linguistics, textbooks and manuals.

Degree of embed and economic effectivity: the research results can be used in higher education for creation of textbooks on the course "The Modern Uzbek Literary Language.", in compiling manuals, in disclosing the inner possibilities of the Uzbek language and for illustration of new interpretation in teaching the Uzbek language

Field of application: semasiology, morphology, syntaxes.

Босишга рухсат этилди: 27.10.2011. Шартли босма табағи: 1,75.
Бичими: 84x60 $\frac{1}{16}$. Адади: 100. Буюртма № 35/3

МCHJ «FAN VA TA'LIM POLIGRAF» босмахонасида чоп этилди.
100170. Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 24-А уй.